

Ипак йўли хитойликларни на факат Даван (Фаргона)га, балки бутун Ўрта Осиёга кизик ишини кучайтирган. Шу боис Хитой императорлари ўз сайёхлари (Сон Юн, Сюан Цзян, Хой Чао кабилар)ни Ўрта Осиёга йўллаб, улар оркали маълумотлар тўплаган.

Хитой - Сугд савдо муносабатлари мил. авв. IV - III асрдан ўрнатилган эди [\[1\]](#) . Айти шу даврдан Шаркий Туркистонда тиж

ор

атчи мухожир

сугдийларнинг колониялари пайдо бўлди. Бу жараён кейинги асрларда яна тезлашди.

197 йилга оид сугдий мактублар тўплами “Кўхна хатлар”да (2-хат) Хитойнинг Лоян

(сугдча s'r

g

- Сараг) ва Чанъан (сугдча

,

g

wmtn -

Ахумтан)дан то Цзюцюан (сугдча swc'n - Чучан)гача боғлаган худудда жойлашган

сугдийларнинг колониялари хақида маълумотлар уч

р

айди

[\[2\]](#)

.

Илк ўрта асрлар, 350 йилларгача сугдий савдо манзилгохлари асосан тижорат максадларида барпо этилган бўлса, 350-750 йилларда бу манзилгохлар ахамияти сиёсий, иктисодий ва маданий даражага кўтарилди [\[3\]](#) . Э.Г. Пулейблэнк: “Улар (сугдийлар) нафакат мохир савдогар, балки мусаввир, хунарманд ва янги дин тарғиботчиси эди. Сугдийлар Марказий Осиёга таркалиб, Ипак йўли бўйлаб жойлашиб, Хитойнинг ички вилоятлари ҳамда кўчманчилари орасига кириб бордилар. Шулардан бири сугдийларнинг туркийларга цивилизациян таъсири эди” деб, таърифлайди

[\[4\]](#)

.

V аср 20-50 йилларида Шимолий Вэй (386-550) сулоласи ҳукмдорлари Ўрта Осиёга -

Эфталлар хузурига уч бор элчилар юборган. 425 йилдаги миссияга Ван Эншен ва Хэй Ван, 437-438 йилларда Туе Юань ва Шао Мин, 444-453 йилдаги миссияга Чжечжиба бошчилик килган. Бу элчилар Сугд пойтахти Самарканд ва ихшидлар кароргохи Маймургга ташриф буюришган [5]. Элчиларнинг хисобати эса кейинги алокалар учун муҳим ҳисобланган. Хусусан, сугдийларда тужжорлик маҳорати эрта шаклланиши хақида

Хитой императори Ян-ди (605-617)нинг элчиси Вэй Цзе ўз хисоботида: Самарканднинг “барча аҳолиси асл савдогар, ўғилларини беш ёшга тўлгандан савдога ўргатадилар. Бола ўқишни бошлагач, уни савдо ишларидан таълим олишга соладилар. Нафъ кўриш аҳолисининг кўпчилиги томонидан кадрланади”

[6]
деб, ёзган эди. Шу ҳислат сугдийлардан туркийларга ва айникса, уйгурларга ўтди. Бунда асрлар давомида Ўрта Осиё ва Шаркий Туркистон аҳолиси орасидаги ягона этномаданий макон

[7]
, ўз таъсирини кўрсатган эди.

Турк ҳоконлиги қарор топишига Ганьсудаги сугдий манзилгоҳларнинг вакиллари астойдил х

а
рақат қилганлар. Улар жануб, шарқ ва шимолга йўналган савдони ўз қўлларига олган эдилар

[8]
. Турк ҳоконлиги Хитойнинг Суй сулоласини мағлуб этиши, сугдийларнинг Кумул шаҳри яқинидаги

Ҳами вилоятини назоратга олишга ва у ерда ҳоконлик бошқарувини жорий этишга имкон берган. Самаркандлик Кан Суми Ордосдаги Бэйан округи губернатори- духу-фу лавозимида тайинланган. Бу ҳудудларга Сугддан мухожирларнинг келиши давом этган. 630 йилда “улуғ сардор” бухоролик Ан Тухан 5 минг сугдийни шимолий Хитойга олиб келиб жойлаштирди

[9]
. VII асрнинг 2- ярмида самаркандлик Кан Ян-тян гуруҳи Тарим сойи шарқдаги Лоб Нор қўли атрофидаги ташландик шаҳарга ўрнашиб, бу ерда учта қишлоқни бунёд этди. Улардан бири Путаочэн – Узумзор деб аталган. Узум ва май р’у-тао хитой ва япон тилларига сугдий bu-dav (аниқроғи

b
w
d
w) орқали кириб бордини

[10]

. VII асрдан сўнг сугдийлар нуфусини янада оширди. Дуньхуандан топилган ҳужжатларда VII -VIII асрларда Лоб Нор қўли жанубида тўртта сугдийлар шаҳри бўлганлиги

[11]

айтилади. Сугдийлар карвон йўллари бўйлаб яна ўнлаб шаҳар ва кишлоқларни бунёд этдилар. Асосий манзилгохлари стратегик аҳамиятга эга Ордос ва Шанси ўлкалари оралигидаги Лучжоу, Личжоу, Ханчжоу, Сайчжоу ва Ичжоуда жойлашди. Жумладан, Култегин битиктошининг 24 каторида : *sekiz jeginmi jashima alti chub sogdaq... tapa suladim* – “ўн саккизинчи йилда мен олти сугд ўлкасига юрдим”,

[\[12\]](#)

деб ёзилган. Бу “олти сугдийларга карашли вилоят”лар гарчи Турк хоконлиги таркибида бўлса ҳам, уларнинг хавфсизлиги мақсадида Турк хоконлари у ерга ўз харбий кучларини юбориб турган. Бу шаҳарлардаги сугдий савдогарлар хитой савдогарлари билан ракобат қилиб, уларнинг савдо ишига ҳам ижобий таъсир этишгн

[\[13\]](#)

603 йилда Турк хоконлиги Шаркий ва Гарбий қисмларга бўлингач ҳам мухожир сугдийлар Шаркий Турк хоконларига хизмат қилди. Жумладан, Ан (бухоролик) Суй-цзе Дулан-хоконнинг сарой маслахатчиси бўлган эди

[\[14\]](#)

. Бу даврда сугдийлар туркийларнинг на факат иттифокчиси, балки таркибий қисмига айланди

[\[15\]](#)

. 607 йилда Хитой жосуси Ли Пэн ўз саройига жўнатган номасида: “Турклар соддадил бўлганликлари учун узокни кўролмайдилар ва улар орасига нифок солиш мумкин. Аммо улар ичидаги кўплаб сугдийлар ўта айёр ва мугомбирдирлар. Ўшалар туркларга ўргатиб, йўналтириб туради” деб, ёзган эди

[\[16\]](#)

. Чунки сугдийлар Турк хоконлигининг мустақил сиёсат юритиши ва минтакада етакчи бўлиб туришидан манфаатдор эди.

Сугдийлар учун Хитой билан савдо қилиш осон кечмаган. Хоу Жэн-чжининг ёзишича Хитой маъмурлари тужжорларга нисбатан: “тўлов йўқ, савдо йўқ, тўлов бор-савдо бор” сиёсатини олиб борган [\[17\]](#). 630 йилда хоконлик таназулга учраб, минглаб сугдий хунарманд, савдогар ва дехконлар хитойликлар томонидан асир олиб кетилган. Жойлардаги сугдийлар эса Хитойга солиқ тўлашга мажбур этилган. 691 йилда Шаркий Турк хокони Капогон (Мочжо) хокон Хитой девори нариги томонидаги сугдийларни қайтариш мақсадида харбий куч ишлатиб, асирларнинг авлодларини олтимиш йиллик (631-691йй.) тутқинликдан сўнг ортга қайтарди

[\[18\]](#)

. Бу туркий ва сугдий биродарлик намунаси эди. Аммо кейинчалик Тан императори Тай-цзун (Ли Шимин) (726-749) сугдий мухожирлар яшайдиган айрим худудларни яна эгаллади

[\[19\]](#)

. Сугдийлар эса барча вазиятларнида ўз фаолиятларини давом эттиришга ҳаракат килаверганлар.

Уйгур хоконлиги давридаги акс аксарият пойтахт шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданияти услубида бунёд этилишида сугдийларнинг катта хизматлари бўлган. Жумладан, пойтахт Ўрдубалик, Баёнчўр хокон(747-759) Селенга бўйига курдирган Бойбалик, Бугу хокон (759-779) нинг Урхун дарёси бўйидаги Балик, Уйгурбалик, Кораболгасун шаҳарлар, Хангай қароргоҳи ва Тувадаги шаҳар қалъалари қад ростлади [20]

. Хемчик ва Улуг Хем (Енесей) водийларида Элутмиш Билга хокон буйруғи билан 750-751 йилларда ҳақаслардан ҳимояланиш мақсадида сугдлик меъморлар ва қурувчилар томонидан Ўрта Осиё анъанасида мудофаа девори тикланиб, бу шаҳар Кемижкет деб номланди [21]

. Барча шаҳар - қўргонлар кенг мудофаа деворлари билан ўралиб, қўргонлари ичидаги қалъаси учун алоҳида девор тортилган. Шаҳарлар атрофида эса Ўрта Осиё шаҳарсозлик услубига ҳос боғлар бунёд этилган. Жумладан, Кораболгасун “шаҳар аҳолиси турклар ва оловга топинувчилар (зардуштийлар – А.О.) ҳамда зиндик (монувий)лардан иборат”

[22]
бўлган.

Дунгхуандаги 13 та сугдийлар қишлоғида ҳам оловга сизиниш ибдатхоналари бўлган [23]

.
Х асрда ҳам Турфондаги бешта “бектегин” қишлоғи сугдийларга тегишли бўлиб, аҳолиси христиан, зардуштий ва сабий (моний ёки буддавий) динига эътиқод қилган [24]

.
Бу минтақадаги диний муроса ва бағрикенгликдан далолат беради.

VI асрда ёзилган “Вэй шу” соғномасига кўра, сугдийлар ерли рузие (юэчжи)лар, саклар ва турклар билан этник қариндош бўлиб, уларнинг азалий ватанлари Орол ва Каспийнинг шимолий соҳиллари бўлган [25]. Бундай яқинлик турк-сугд симбиози учун муҳим омил ҳисобланган. Хитой императорларининг туркийларни қарам қилишга қаратилган сиёсатини қарбод бўлишида ва хоконликларининг муқтабил сиёсат қуришида сугдий маслаҳатчилар катта ўрин тутган дейиш мумкин.

Хитой ичкарасида муқим қолган сугдийлар Хитой иқтисоди ва маданияти ривожига ҳам таъсир ўтказди. Хитой пойтахти Чанъан (Сиан)га ўтиладиган йўл - Хэси қоридори Гансу

ўлкасидаги энг кулай жой бўлиб, бу ердаги савдо даромади асосн худуд хавфсизлигига сарфланган. Хэсини Хитой тарихчиси Ли Минвэй: “ўзига хос мустакил ёки ярим мустакил, барқарор худуд” деб, таърифлайди. Бу ердаги Гуочжоу (Анси), Сучжоу (Жючюан), Шачжоу (Дунгхуан), Ганчжоу (Чжангъе), Лянгжоу (Увэй) ва Ланчжоу (Гансунинг маркази) каби туманларда аксарият сугдийлар яшаган

[\[26\]](#)

. Бу худуд урушлардан холи этилиб, савдо килишга имконият яратилган. Хитой тарихчилари Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ кабилар: “Хитой ва Гарб ўртасидаги

алокаларда сак, хун, сугдий, рузеи (юэчжи), турк ва уйгурлар нихоятда катта хисса кўшганлар. Саклар Евроосиё шимолий савдо йўлини илк бор очган халк хисобланса, сугдийлар мил. авв. V асрдан то мил. X асргача, тахминан 1500 йилда Ипак йўли оркали олиб борилган алокаларнинг ривожланишига бекиёс хисса кўшганлар” деб, ёзадилар

[\[27\]](#)

. Сугдийлар ва туркийларнинг Хитой тарихидаги иштироки минтаканинг кейинги тақдирини белгилаган.

Сугдийлар яшаган йирик марказ Дунгхуан - Друан хакида Ли Минвэй “Суйтан сичоу чжилу” асарида : “Дунгхуан вилоятидаги 13 та кишлокдан бири Сунгхуа деб аталади”. Вэй (220-265) ва Цзин (317-425) сулолалари давридан то 534 йилгача Увэй шаҳрида сугдийлар сони бир неча баробар кўпайишига Вэй сулоласининг уларга яратган имтиёзлари сабаб бўлган. Дунхуандан Ўрта ер денгизигача учта савдо йўналиш бўлиб, буларнинг шимоли Хамидан, марказий Турфондан ва жанубий Дунхуандан бошланган

[\[28\]](#)

.

Хитой худудидаги мухожир сугдийлар савдодан ташкари маъмурий ва харбий соҳаларга ҳам жалб этилган. Хитой императоринига хизмат килган самаркандлик отлик кўшин бошлиги Фаданинг ўгли Канг Можанинг Лоянгадаги қабр устидаги ёзувда, у харбий жасорати учун мукофатлангани ёзилган бўлса, “Суйшу” солномасига кўра, бир миллионлик Чанъан аҳолисининг 50 минга яқини мухожирлар, жумладан, сугдийлар эди. Улар “Чжаоу жю шин ху” – “ тўккиз ўлка хулари” деб номланган

[\[29\]](#)

. Бу маълумотлар сугдийларнинг нафакат Турк хоконлиги, балки Хитой тарихида ҳам ўринлари бўганлигини исботлайди.

Тан даври Хитой тарихида асли бухоролик Ан Лушаўахси алоҳида ўрин тутди. Киданлар билан қурашаётган Ан Лу-шан ва унинг сафдоши Ши Чао-илар 755 йилда императорга қарши ўз қўшинини ташлаб, Кайфин, Лоян ва Чанъан шаҳарларини эгаллайди.

Император Сичуан “варварларини варварлар кўли билан енгиш” усулида бу исённи кўманчилар ва Уйгур хоконлиги ёрдамида 762 йилда бостиришга эришди [\[30\]](#)

. Бу хизматлари учун Тан маъмурлари уйгурларга савдо соҳасида имтиёзлар берган. Шу баҳонада сугдийлар ўзларини уйгур деб атаб, бу имтиёзлардан унумли фойдаланишган [\[31\]](#)

. Бу эса сугдийларнинг уйгурлашувига ва минтака этномаданиятига ўз таъсирини кўрсатган.

Хитой бозорларида туркийларнинг чорва маҳсулотларига, сугдийларнинг отларига, Хўтан яшмасига талаб кучли эди. 607 йилда 3000 (уч минг) отга 13000 (ўн уч минг) ўрам ипак тўланган. 763-779 йилларда уйгурлар Хитойга 100 минг от етказиб, ўрнига 1 млн ўрам ипак олиб, ҳар бир от баҳосини 10 ўрамга баҳолаган. VII аср охири – VIII аср бошларида эса битта отга 50 ўрам ипак мато тўланган

[\[32\]](#)

. Бир ўрам ипак мато 20 сугдий драхм баҳоланган

[\[33\]](#)

. Самаркандда эса бир ўрам ипак мато 28 драхмга сотилган

[\[34\]](#)

. Бу эса Сугднинг ўзида ипак ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сабаб бўлган. Сугд ипагини эса асосан кўчмнчи туркийлар харид қилган. Сугд ўзининг чит, жун ва шойидан тикилган кийим-бошларини, чарм ва ёғоч маҳсулотлари, металл ва суякдан ясалган буюмларини ҳам туркийларга арзонга сотган. Хорижга эса кимматбаҳоларга олтин зебу зийнати ва тақинчоқлар, ок марварид, новшодил, гилам ва сўзаналар чиқарилган

[\[35\]](#)

. Ўзига хос

Сугд ипак безаклари Тан сулоласи даврида (618-906) “Ўрта Осиё усулли” хитой матоларида ўз аксини топган

[\[36\]](#)

. Бу ҳам сугдийларнинг соҳадаги ютуғи эди.

Мухожир сугдийлар Сугддаги қавмдошлари билан алоқада бўлганлиги II-IV асрларга оид “Кўхна хатлар”да ўз аксини топган. Бу мактублар Н. Симс-Вильямс фикрича, 313 (314) йилларда ёзилиб, Самаркандга жўнатилган, аммо манзилга етиб келмаган.

Мактубларнинг 1-сида Минай онаси Чатисга ўз аҳволи хақида, 2-си Нанай Канакнинг Варзакка номаси, 3-си Нанайдотга Шайон исмли киздан нома ва 5-си савдогар

Аспандотнинг Фрихватавга номаларидир [\[37\]](#). Бошқа бир 639 йилга оид хужжат

Турфондаги Чинончканд бозорида самаркандлик савдогар Вахшубирт Тўдак ўғли ва хитойлик роҳиб Йон-Сийон Ута ўғлига Упачах исмли чўрининг сотилишига бағишланган.

Мактубда Упачахнинг Туркистондан эканлиги таъкидланган

[\[38\]](#)

. Туркистон эса

Турк хоконлиги тассарруфидаги Ўрта Осиё эди.

VII-VIII асрларда Сугдда Турк хоконлиги даврида ўзлаштирилган Хитой намунасидаги тангалар зарб килинди. Бу V-VII асрлардаги Ўрта Осиё худудида эфалийларга харбий ўлжа сифатида келтирилган сосоний тангалари ўрнини эгалай бошлади.

VII аср иккинчи ярмидан Сугд ва Чочда танга зарб килиш марказлари шаклланди. Бу тангалар Тан сулоласи тангалари стандартидаги

бронза тангалар бўлиб, минтакада асосий муомала воситасига айланди. Сугдийлар уларни хитойча

fen-piuen - “фен” -

pn (y) - “пан(и)” ва туркийлар pin - “пунг” деб аташган

[\[39\]](#)

.

Бу пул бирлиги Муг тоғи архивининг Б 27 ракамли хужжатида: (1)... sgty 20+4+3 pny (2)...

|n|w' sg|ty| 20+20 pny ds' sgt-... -

“(1)... ўтган (ой), 27 пани- (2)... тўққизинчи ўтган (ой), 40 пани – ўнинчи ўтган (ой)”

[\[40\]](#)

каби жумлаларда учрайди.

VIII аср бошларига оид Муг архивининг В-17 хужжати - Панч вилояти хокими

Деваштичнинг Хохсар хокими Афарунга мактубининг 12-13 каторларида: “ (12) rtcnn

'sky-s'r tym g-rb 'sp'd w'gz wbyw gwn ZY (13) cy-n...- юкори томондан кўплаб турк (хун) ва хитой (чин) кўшинлари етиб келди” дейилса, В-18 хужжатининг 8-11 каторларида: “t

g

m mrts'r 'z-w'rt (9) yw'r ZY MN w'nkW 's

g

nt L' kwny-' ZY ZKw cy-n 'stkw cntn (10) kyZY w'nkW prstyw MN '

g

-tywy pyrnmsr 'tsW 'kw

g

,

g

-'nw s'r 'z-

g

nt (11) w'c – Хеч қандай ўзбошимчалик қилмагин. Ўзим аввал сенга юборган Хитой чопарини хокон олдига элчи қилиб юборишни буюрган эдим. Энди юборма”

[\[41\]](#)

каби Панч вилояти хокими Деваштичнинг Афарунга кўрсатмалари келтирилган.

Мактублар Сугдга Хитойнинг амалий ёрдам бўлганга эмас, балки Хитой томонидан хайрихоҳлик мақсадида вакиллар юборилганига ишора қилади.

Хитойнинг араб истилоси даврида Ўрта Осиё сиёсатига деярли қузилмайди. Деваштич

бу мактубни Гуракнинг укаси

[\[42\]](#)

Афарунни тинчлантириш учунгина юборган холос. Шу боис йўлланган мактуб мазмунидан якуний хулоса чиқариш мураккаб.

Хулоса қилиб айтганда, туркийлар ҳамда сугдийларнинг яқин қўшни Хитой билан алоқалари серқирра бўлиб, ўзига хос иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан кечган. Бу эса Марказий Осиё минтақасининг қўп асрлик тарихий таракқиётида муҳим ўрин тутган. Минтақа халқларини қўп асрлар тақдирига ўз таъсирини қўрсатган.

Ўз Р ФА Тарих институти

катта илмий ходими, фил. ф. н. А. Отахўжаев

[\[1\]](#) Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // Страны и народы Востока. Вып. X. –М.: Наука, 1971. С.147.

[\[2\]](#) Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии, с.158; Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia \ Probegomena to the History of Preislamic Central Asia.- Budapest

, 1972
. -P
.152-165.

[3] Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. –P.86-108.

[4] Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // TP, 1952, vol. 41. –P.317-356

[5] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг кадимги йўллари. –С.139.

[6] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Том 2, часть 1 –М.: ИВЛ, 1963. –С.190; Pulleyblank E. G. Chinese and Indo-Europeans // JRAS, 1966, №1-2. –P.29.

[7] Кляшторный С.Г. Проблемы ранней истории племени турк (ашина) // Новое в советской археологии. –М., 1965 . –С.278-281; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ, вып. X. –М.: Наука, 1971 . –С.

143-144;

Содилов К. Эски уйгур ёзуви. –Тошкент, 1989. –Б.44; Литвинский Б.А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. История

,
культура

,
связи

. –

М

..

Наука

, 1984. –

С

.28.

[8] Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. –P.112-125.

[9] Камалов А. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. -С.21; Его же.

Китайские источники по истории
кочевых уйгуров // Исследования по уйгуроведению. –Алматы, 2002. –С.109-126.

Mar

š

ak

B

.

I

.

T

ü

rkler

ve

Sog

,

dlular

//

T

ü

rkler

. 2

cilt

.

–Ankara: Yeni Turkiye yayinleri, 2002. –S. 174.

[10] Ртвелдзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути.-С.111; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. –С.329-330; Pulley

blank E.G. A sogdian colony in inner Mongolia

./

T'oung Pao, vol.

XLI, 4-5.- London, 1952

. -P

.317-354; Pelliot P.Le “Cha tcheoutou fou t'ou king” et la colonie sogdienne de la region du Lob-Nor

//

JA, XI, ser, vol. VII

1, 1916

. -P.

122.

[11] Кызласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI-XIII вв. (язык, письменность, религия)// Этнографическая обозрения, 2004, №6.-С.3-4.

[12] Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. –С.39.

[13] Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. –P.125-134.

[14] Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. –С.143-144.

[15] Камалов А. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. –С.10.

[16] Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии / Тюркологическая сборник. 1972. –М.: Наука, 1973. –С.258.

[17] Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. –С.256.

[18] Тургун Алмас. Уйгуры. Часть 1.- Алма-ата, 1993, с.144; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. –Новосибирск, 1989.-С.111.

[19] Камалов А. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.). Автореф. дисс. док. ист. наук. –С.17.

[20] Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии.

–С.258.

[21] Кызласов Л.Р. Культура древних уйгуров (VIII-IX) // Археология СССР. Степи Евразии в эпоху средневековья. – М., 1981. –С.52-54.

[22] Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. -Алма-Ата, 1992. -С.138-139.

[23] Хўжаев А. Сугдийларнинг Хитойга бориб колиши. // Мозийдан садо, 2 (14), 2002.-Б.42; Ўзи. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. –Б.217.

[24] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. –С.190.

[25] Хўжаев А. Кадимги хитой манбаларида туркий халқларга оид айрим этнонимлар // O'zbekiston tarixi, 2003, №1. –Б.3-11; Ўзи. Хитой манбаларида сугдийларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, 2004, №1. –Б.52-61; Ўзи. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. –Б.212-214.

[26] Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. –Новосибирск, 1989.-С.36; Хўжаев А. Сугдийларнинг Хитойга бориб колиши. –Б.41-43.

[27] Хўжаев А. Сугдийларнинг Хитойга бориб колиши. –Б. 41.

[28] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг кадимги йўллари. –С.140.

[29] Хўжаев А. Сугдийларнинг Хитойга бориб колиши. –Б.42; Ўзи. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. –Б.216.

[30] История Китая с древнейших времен до наших дней. - М.: ГВЛ, 1974. –С.87-89;
Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстания Ан Лу-шаня и Ши
Чао-и (755-562 гг.) // Shygys

,
-
Алматы, 2005, № 2. –С.10-20; Его же. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.).
–Автореф. дис. док . ист. наук. –С.13; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и
современность. –С.20.

[31] Хўжаев А. Сугдийларнинг Хитойга бориб колиши. -Б.42-43.

[32] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда,. –Б.154.

[33] Табари История Табари. –С. 266.

[34] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. -С. 155.

[35] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. –С. 151.

[36] Колганов А.П. К истории шелка в Средней Азии (по китайским источникам) / Исслед
ования по истории, истории науки и культур
ы народов Средней Азии.

-
Т
ашкент
:
Фан
, 1993
. –С.
111.

[37] Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. –P.43-67; Sims-Williams N. The Sogdian Ancient Letters (1, 2, 3 and 5). Shool of Oriental and African Studies University of London. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>; Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods in Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgau, Studia iranica. Cahier 5, Leuven, 1987. – Ss . 101-122.
Ртвелдзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути. –С.110.

[38] Исмоков М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993,20-май. - Б.1,5.

[39] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. –С.167, 179.

[40] СДГМ III. –С.55-56.

[41] СДГМ II. –С.115-121, 123-126.

[42] Бартольд В.В. Древнетюркские надписи и арабские источники. Соч.V –М: Наука, 1968. –С.305.